



№47-48
(900-901)
2025 йил 6 июнь, жума

ЎЗБЕКИСТОН BUNYODKORI

ijtimoiy-iqtisodiy
gazeta

СТРОИТЕЛЬ УЗБЕКИСТАНА



Facebook: [uzbunyodkor](#) Telegram: [t.me/uzbunyodkor](#) Instagram: [uzbunyodkor](#) Email: info@uzbunyodkor.uz Website: [uzbunyodkor.uz](#)

Газета 2016 йил 2 августдан ҳафтанинг сешанба ва жума кунлари чиқади.

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚИГА ҚУРБОН ҲАЙИТИ ТАБРИГИ

Муҳтарам ватандошлар!
Сиз, азизларни, барча мўмин-мусулмон юртдошларимизни, бутун халқимизни улуғ ва мўтабабар айём – Қурбон ҳайити билан чин қалбимдан самимий муборакбод этиб, ўзимнинг юксак ҳурматим ва эзгу тилаklarимни билдиришдан гоёт мамнунман.
Жамики ислом уммати учун қадрили бўлган ушбу шукуҳли байрам – Ийд ал-Адҳони эл-юртимиз билан биргаликда тинч ва осойишта муҳитда қутиб олаётганимиз учун, аввало, меҳрибон ва қудратли Аллоҳ таолога беҳисоб шукроналар айтаман.
Ҳеч шубҳасиз, кейинги йилларда Янги Ўзбекистонда ижтимоий, халқчил давлат барпо этиш, унинг маънавий асосларини мустаҳкамлаш ва таъсирчанлигини оширишда муқаддас ислом дини, унинг асосий байрамларидан бири бўлган Қурбон ҳайити ҳам муҳим роль ўйнамоқда.
Айниқса, бу байрамнинг инсонпарварлик, аҳиллик, саховат ва олижаноблик каби фазилатлари юртимизда “Инсон қадри учун, инсон бахти учун” деган эзгу гоё асосида амалга оширилаётган кенг қўламли ислоҳотларга уйғун ва ҳамоҳанг бўлиб, аҳолининг эҳтиёжидан қатламларини қўлаб-қувватлаш, кексалар, ёшлар ва хотин-қизлар ҳақида алоҳида ғамхўрлик кўрсатиш, қамбағалликни қисқартиришга қаратилган дастурларимиз са-

марасини оширишга хизмат қилаётганини алоҳида таъкидлаш ўринlidir.
Азиз дўстлар! Бугунги кунда мамлакатимизда турли миллатлар ва диний конфессиялар ўртасидаги ҳамжиҳатликни мустаҳкамлаш, виждон эркинлигини таъминлаш, диний-маърифий меросимизни асраб-авайлаш, ёш авлодни миллий ва умумбашарий қадриятлар руҳида тарбиялаш бўйича улкан ишлар амалга оширилмоқда.
Бу ҳақда сўз юритганда, ислом динининг эзгу тамойилларини чуқур ўрганиш, буюқ тарихимиз ва маданиятимиз дурдоналарини, машҳур алломаларимизнинг бой меросини тўплаш ва кенг тарғиб этишга алоҳида эътибор қаратилаётганини таъкидлаш лозим. Жумладан, кўҳна Шарқ мўъжизаси – Самарқанд шаҳри 2025 йилда ислом маданияти пойтахти, деб эълон қилинди, улуғ ватандошимиз Имом Мотуриддиннинг 1155 йиллик таваллуд санаси юртимиз бўйлаб кенг нишонланмоқда. Имом Бухорий, Имом Мотуриддин ва Имом Термизий халқаро илмий-тадқиқот марказлари қаторига, шу йил Бухоро шаҳрида ўз фаолиятини бошлайдиган Баҳоуддин Нақшбанд илмий-тадқиқот маркази ҳам қўшилди.
Пойтахтимиз Тошкент шаҳрида бунёд этилаётган Ислмо цивилизацияси маркази илмий-маънавий йўналишдаги улкан ва ноёб лойиҳа сифатида

эл-юртимиз ва халқаро жамоатчиликда қатта қизиқиш уйғотмоқда. Бу муаззам маскан кўп минг йиллик қадимий тарихимиз, бой ва бетакрор миллий маданиятимизнинг ёрқин тимсоли сифатида Янги Ўзбекистон ҳаётидаги гоёт муҳим воқеага айланади, деб ишонаман.
Хурматли юртдошлар!
Шу саодатли кунларда 15 минг нафар ватандошимиз муқаддас ҳаж зиёратини адо этмоқда. Эзгу дуо ва ниятлар ижобат бўладиган мана шундай мунаввар лаҳзаларда уларни ҳам Қурбон ҳайити билан самимий қутлаб, Яратгандан юртимизга соғомон қайтиб келишларини сўраймиз.
Умид қиламизки, муҳтарам хождларимиз жамиятимизда бирдамлик, оила ва маҳалларимизда меҳр-оқибат муҳитини янада мустаҳкамлаш, ёшларимиз тарбиясини кучайтириш, уларни илм-маърифатга, замонавий касб-хунарларни эгаллашга, Ватан ҳимоячиси бўлишга тарғиб этиш, муҳтож инсонларга қўмак беришда алоҳида ибрат ва намуна кўрсатадилар.
Қалбларимиз қувончга тўлган ушбу файзли кунларда хорижий давлатларда бўлиб турган ватандошларимизни ҳам бугунги улуғ айём билан чин дилдан қутлаб, уларга соғлик-омонлик, бахт ва омад тилаймиз.

Жаҳоннинг узоқ-яқин ўлкаларидаги мусулмон умматини ҳам қизғин табриклаб, уларнинг халқлари билан милақатларига тинчлик, раванқ ва фаровонлик тилаб қоламиз.
Азиз ва муҳтарам ватандошлар!
Ҳозирги кунда дунё нақадар мураккаб ва таҳликали бўлиб бораётганини барчамиз кўриб турибмиз. Бундай кескин шароитда юртимизда тинчлик, ўзаро ҳурмат ва тотувлик муҳитини сақлаб, барча соҳа ва тармоқларда фидокорона меҳнат қилиб кўзлаган юксак мақсадларимизга ета оламиз.
Албатта, ўз тарихида не-не синов ва машаққатлардан муносиб ўтган мард ва олижаноб халқимиз бунга ҳар томонлама қодир.
Бу йўлда эл-юртимизга мансуб меҳр-оқибат, ўзаро бирлик ва жиҳслик биз учун беқиёс куч-қудрат манбаи бўлиб хизмат қилади, деб ишонаман.
Сиз, азизларни муқаддас Қурбон ҳайити билан яна бир бор чин дилдан табриклаб, барчангизга тинчлик-хотиржамлик, сиҳат-саломатлик, хонадонларингизга файзу барақа тилаймиз.
Қўтлуғ айём барчамизга муборак бўлсин!

Шавкат МИРЗИЁЕВ,
Ўзбекистон Республикаси
Президенти

Футбол бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоаси жаҳон чемпионати 2026 йилги саралаш босқичининг 3-раунди 9-туридан ўрин олган баҳсда БАА билан 0:0 ҳисобида дуранг ўйнади. Бу натижа терма жамоамизга чиқиш йўланмасини қўлга киритиш учун етарли бўлди.
Аҳамиятлиси, Ўзбекистон Марказий Осиёда футбол бўйича Жаҳон чемпионатида иштирок этувчи биринчи давлат сифатида тарихга кирди.
Бу натижа нафақат Ўзбекистон, балки бутун Марказий Осиё футбол учун қатнаш ютуқ ҳисобланади.
Барча юртдошларимизга галаба муборак!

ФУТБОЛ БҲЙИЧА ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ ТЕРМА ЖАМОАСИ АЪЗОЛАРИГА

Қадрили фарзандларим!
Аввало, сиз, азизларни Осиёнинг энг кучли жамоалари иштирок этган саралаш ўйинларида чинакам жасорат ва матонат намунасини кўрсатиб, том маънода улкан ғалабага эришганингиз – Ватанимиз тарихида биринчи марта жаҳон чемпионати йўланмасини қўлга киритганингиз билан чин қалбимдан самимий муборакбод этаман.
Ҳеч шубҳасиз, миллий спортимиз соломасига олтин ҳарфлар билан битиладиган бундай ёрқин натижа юртимиздаги миллионлаб футбол муҳлислари, бутун халқимизнинг неча йиллик орузи эди, десак, тўғри бўлади. Сизлар профессионал билим ва малақангиз, тажриба ва маҳоратингиз, энг муҳими, юксак иродатингиз ва ғалабага бўлган ишончингиз билан ана шундай орузни реал ҳақиқатга айлантирганингиз ҳар қандай таҳсин ва тасаннога муносибдир.
Мана шу мунаввар оқшомда – қўтлуғ зафар айёмида кўпмиллатли бутун Ўзбекистон халқи сизлар билан ҳақли равишда фахрланмоқда, десак, айни ҳақиқатни айтган бўламиз.
Саралаш ўйинлари нақадар кучли рақобат остида, кескин ва шиддатли курашларда ўтгани, терма жамоамизга нисбатан турли босимлар бўлганига қарамадан, сизлар зарур очколарни жағғариб, азму шижоатли Янги Ўзбекистон ёшлари қандай юксак марраларни эгаллашга қодир эканини яна бир бор амалда исботладингиз.
Сизларнинг ана шундай гоёт масъулиятли турнирдаги муносиб иштирокингиз кейинги йилларда мамлакатимизда спортга, жумладан, унинг энг оммавий тури бўлган футболга

берилаётган улкан эътиборнинг яна бир буюқ амалий натижаси сифатида ҳам биз учун гоёт қадриlidir.
Аминман, бу тарихий ютуқ халқимизни эзгу мақсадлар йўлида янада бирлаштиради, минг-минглаб ёшларимиз учун илҳом манбаига, ибрат тимсолига айланади, Янги Ўзбекистоннинг халқаро обрў-эътиборини янада оширишга хизмат қилади.
Сизлар футбол майдонларидаги мана шундай шонли ютуқдан янги куч ва руҳ олиб, келгуси йили АКШ, Мексика ва Канада давлатларида бўлиб ўтайдиган жаҳон чемпионатида нафақат Ўзбекистон, балки бутун Марказий Осиё минтақасининг биринчи ва ягона вакили бўлишдек юксак шарафни чуқур ҳис этган ҳолда, янада қатта жонбозлик кўрсатасизлар, деб ишонаман.
Мана шу шукуҳли айёмда сизларни доимо қўлаб-қувватлаб келаётган меҳрибон ва талабчан устоз-мураббийларингиз, миллий терма жамоамизнинг барча аъзоларини, сизларга бахт ва омад тилаб, кеъаю кундуз дуода бўлиб келган ота-оналарингиз, ака-ука, опа-сингил ва яқинларингизни ўз номидан, бутун халқимиз номидан қизғин табриклаб, уларга самимий миннатдорлигини билдираман.
Сизлар муқаддас Қурбон ҳайити кунларида халқимизга байрам совғаси сифатида олиб келаётган ушбу унутилмас тарихий ғалаба барчамизга муборак бўлсин!
Зафарли одимларингиз бардавом бўлсин, азиз фарзандларим!

Шавкат МИРЗИЁЕВ,
Ўзбекистон Республикаси
Президенти

Назарий билимларни амалиётда қўллаш СИФАТНИ КАФОЛАТЛАЙДИ

Нигора НОЗИМЖОНОВА, “O‘zbekiston bunyodkori” мухбири.
Мамлакатимизда аҳолини сифатли ва мустаҳкам уй-жойлар билан таъминлаш ҳамда қурилиш-таъмирлаш ишларини халқаро стандартларга жавоб берадиган талаблар асосида ташкил этиш борасида тизимли ишлар амалга оширилмоқда.
Ташкил этилган қисқа муддатли махсус ўқув курсларида ҳам соҳада давлат назоратини самарали ташкил этишининг муҳим шартларидан бири – мутахассисларнинг билим ва амалий кўникмаларини чуқурлаштириб бериш мавзуларида фикр-мулоҳазалар юритилди.
– Давлатимиз раҳбарининг топшириқларига мувофиқ, кўп қаватли уйлар қурилишида сейсмик хавфсизлик ва зилзилабардошлик талаблари-



ВАЗИРЛИК ВА ТИЗИМ ТАШКИЛОТЛАРИДА

Ўзбекистон-Хитой худудларо форуми доирасида “Аёлларнинг инновациялар ва тадбиркорлик соҳасидаги ҳамкорлиги” мавзусида тадбир ўтказилди.
Форум сессиясида Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазири ўринбосари Озода Жўраева ҳам иштирок этиб, қурилиш ва коммунал соҳаларда хотин-қизларнинг ўрни, тизимга тадбиркорлик ва инновацион технологиялар жорий этилишининг истиқболлари хусусида гапирди. Форум доирасида қатор келишувлар имзоланиб, янги инвестиция лойиҳаларини ишга тушириш режалаштирилган.
Тошкент шаҳар Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида худудий назорат қилиш инспекцияси ходимлари томонидан Яшнобод туманида жойлашган кўп қаватли уйларнинг техник ҳолати ўрганилганда мулкдорлар томонидан кўп қаватли уйлар атрофи ўзбошимчилик билан эгаллаб олинди, ноқонуний қурилмалар барпо этилгани аниқланди.
Инспекция ходимлари томонидан жойида мулкдорларга муаммони бартараф этиш бўйича ёзма кўрсатмалар берилди. Мазкур кўрсатмалар асосида ҳозирда қурилмалар мулкдорларнинг ўз ихтиёри билан бартараф этилмоқда.

Бухоро шаҳридаги “Шарқ-2” қозонхонаси ҳамда иссиқлик тармоқларини модернизация ва реконструкция қилиш лойиҳаси амалга оширилди.
Жорий йилги мавсумда лойиҳа ишга тушириш белгиланган. Бунинг натижасида 37 та кўп қаватли уйда истиқомат қилувчи 1382 та хонадонга иссиқ сув ва иссиқлик энергияси берилади. Бунда, газ сарфи кўп бўлган эски қозонлар ўрнига 4 та энерготежамкор, жами 20 МВт қувватга тенг қозонлар ўрнатилди. Электр энергия сарф-ҳаражатлари қисқариб, 5,5 километр эски қувурлар ўрнига янги энерготежамкор пенополиуретан қопламали қувурлар ўтказилмоқда.

Самарқанд вилояти Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бош бошқармаси бошлиғи ўринбосари Дилшод Мўминов Самарқанд шаҳрининг Микрорайон, Саттепо каби худудларида жойлашган кўп қаватли уй-жойларга хизмат кўрсатувчи бошқарув сервис компаниялари фаолиятини ўрганди.
Ўрганиш давомида бошқарув ташкилотлари томонидан амалга оширилаётган ишлар, жумладан, куз-қиш мавсумига тайёрларлик, ободонлаштириш ишлари, шунингдек, коммунал соҳа билан боғлиқ қонун ва қарорлар ижросининг ҳолати кўздан кечирилиб, аниқланган камчиликлар юзасидан тегишли кўрсатмалар берилди.



“Денов Сити” турар жой массиви қурилишига СТАРТ БЕРИЛДИ



Ғайрат БҮРИЕВ,
Сурхондарё вилояти ҳокимлигининг
Ахборот хизмати бош мутахассиси.

Сурхондарё вилоятининг энг кўп аҳоли истиқомат қилувчи ҳудуди – Денов туманида урбанизация жараёнларини жадаллаштириш, замонавий яшаш муҳитини яратиш ҳамда аҳолига қулай турмуш шароитларини тақдим этиш мақсадида йирик инфратузилма лойиҳалари амалга оширилмоқда.

Айни шундай муҳим ташаббуслардан бири – “Денов Сити” турар жой массиви қурилишидир. Жорий йилнинг 29 май кунини мазкур лойиҳага расман старт берилди. Тантанали тадбирда Сурхондарё вилояти ҳокими Улуғбек Қосимов иштирок этиб, лойиҳанинг аҳамияти, амалга ошириш механизмлари ва қутилаётган ижти-

мой-иқтисодий самаралар ҳақида алоҳида тўхталиб, янги турар жой мажмуалари нафақат яшаш учун қулайлик яратди, балки янги иш ўринлари, сервис тармоқларининг кенгайиши, ижтимоий фаолликнинг ошишига ҳам хизмат қилишини таъкидлади.

Лойиҳа умумий қиймати 980 миллиард сўм бўлган “Денов Сити” массиви 6 йил давомида босқичма-босқич барпо этилиши режалаштирилган. Лойиҳа доирасида 3 500 та хонадонга мўлжалланган кўп қаватли турар жой бинолари, савдо ва хизмат кўрсатиш марказлари, дам олиш масканлари, спорт ва соғломлаштириш мажмуалари, мактабгача таълим, умумтаълим ва тиббиёт муассасалари, муқобил энергияга мос замонавий муҳандислик-коммуникация тармоқлари ҳамда инфратузилма объекти қурилиши кўзда тутилган.

Вилоят ҳокимининг таъкидлашича, мазкур лойиҳа Ўзбекистон Республикаси Президентининг бевосита топшириқлари асосида, аҳолининг эҳтиёжлари, қулай яшаш муҳити, транспорт-логистика имкониятлари ва маданий турларининг кенгайишини инобатга олган ҳол-

да ишлаб чиқилган. Лойиҳа Денов шаҳрининг келгуси ривожланиш концепциясида алоҳида ўрин тутади.

Аҳоли сонининг ортиши ва шаҳарлашув жараёнларини бошқариш, мавжуд муҳандислик-коммуникация тармоқларини кенгайтириш – бутунги куннинг устувор вазифаларидан биридир. “Денов Сити” лойиҳаси айнан шу талаб ва эҳтиёжларга мос равишда ишлаб чиқилган бўлиб, замонавий шаҳар инфратузилмаси ва экологик тозалikka алоҳида эътибор қаратилиши билан ажралиб туради. Мажмуа ҳудудида яшовчилар учун барча зарур инфратузилма, хавфсизлик, транспорт ва ижтимоий хизматлар тизими замонавий стандартларга мувофиқ равишда ташкил этилади.

Бир сўз билан айтганда, “Денов Сити” – бу оддий қурилиш лойиҳаси эмас, бу – юксалаётган Деновнинг, ўзгариб бораётган Сурхондарёнинг, бунёдкорликка асосланган замонавий Ўзбекистоннинг янги қиёфасидир. Ушбу лойиҳа орқали нафақат яшаш сифати, балки ҳудуднинг иқтисодий, ижтимоий ва маданий салоҳияти ҳам юксалиши кутилмоқда.

“ШАФФОФ ҚУРИЛИШ” МИЛЛИЙ АХБОРОТ ТИЗИМИ:

соҳа келажакига бўлган ишончни
янада мустаҳкамлайди

Нигора НОЗИМЖОНОВА,
“O'zbekiston bunyodkori” мухбири.

Мамлакатимизнинг демографик ўсиш суръати янги уйлارга бўлган талабни тобора орттирмоқда. Шу маънода, “Янги Ўзбекистон” массивлари бунёд этилиб, уларнинг сони жорий йилда 56 тага етгани, 2030 йилга қадар эса 100 тага етказилиши мамлакатимизнинг том маънода улкан қурилиш майдонига айланаётганидан далолат беради. Бу эса соҳага янги технология ва инновацияларни фаол кириб келишига имкон яратмоқда.



Таъкидлаш керакки, 2016-2017 йилларда юртимиздаги пудрат ташкилотлари сони 2000 тага ҳам етмас эди. Бугунги кунга келиб, уларнинг сони 30 миңдан ошди. Кейинги йилларда соҳада коррупцияга қарши курашиш тизими тубдан такомиллаштиришга ҳам алоҳида эътибор қаратилди. Давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан бошланган ушбу ислохотлар натижасида бу йилгача қарши курашиш бўйича қонулар қабул қилиниб, янги тизим яратилди.

– Давлатимиз раҳбари томонидан қурилиш соҳасини коррупциядан холи соҳага айлантириш бўйича вазифалар белгилаб берилган, – деди Бош прокуратура бошқарма прокурори Мансур Рўзимов. – Шу мақсадда Бош прокуратурада махсус комиссия тuzилиб, алоҳида чора-тадбирлар режаси ва “Йўл харита”си ишлаб чиқилди ва ахборот тизимлари жорий этилди. Ижтимоий фикр ижтимоий тармоқлар орқали сўровлар ўтказилиб, амалдаги ҳужжатлар коррупцияга қарши экспертизадан ўтказилди. Амалга оширилган ишлар натижасида 14 та ҳужжат лойиҳаси, 3 та Президент қарори ва 11 та Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари лойиҳаси тайёрланиб, киритилди. Соҳа рақамлаштирилгани натижасида қурилиш ва лойиҳа ташкилотларининг рейтингини юритиш, объектиларнинг архитектура режалаштириш топшириқларини ишлаб чиқиш, лойиҳани қурилиш идоралари билан келишиш, экспертиза хулосасини олиш, давлат харидлари тендер савдоларини ўтказиш, қурилишни таъминлаш сифатини назорат қилиш бўйича ягона платформа яратилиб, шаффоқлик таъминланди ва қороз ҳужжатлари айланмаси бекор қилинди. Вақт, маблағ ва инсон ресурслари тежалди. Бажарилган қурилиш ва молиялаштирилган маблағларнинг аниқ ҳажми ҳақидаги ягона электрон база шакллантирилиб, жамоатчилик назорати ўрнатилди. Ҳар бир объект бўйича қурилиш ташкилотининг ўзи шаффоқликни таъминлаб бермоқда. Улар ўтказилаётган ҳар бир тендерни бевосита кузатиб, қонун бузилишлар содир бўлган тақдирда зудлик билан бизга хабар беришмоқда.

Энг муҳими, жамиятда коррупция муаммосини жамоатчилик муҳокамасига олиб чиқадиган муҳит яратилди. Айниқса, оммавий ахборот воситаларининг бу борадаги ўрни ва таъсири ортиб бормоқда. “Шаффоқ қурилиш” дастури ҳам қисқа муддатда юқори самара берган ислохотлардан бири бўлди. Ўзбекистон Республикаси Президентини томонидан 2019 йилнинг 20 сентябрийда қабул қилинган “Қурилиш соҳасига ахборот коммуникация технологияларини кенг жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори эса бу борадаги ислохотларнинг ҳуқуқий асоси бўлди.

– “Шаффоқ қурилиш” миллий ахборот тизимида яратилган платформа тендер объектиларнинг номи ва пудратчиларининг бали кўриниб туради, – деди қурилиш компанияси раҳбари Имомиддин Нозимов. – Ҳар бир йўналишнинг ўз мутахассиси бор. Ҳаттоки, ҳозир лойиҳачилар ҳам тендерда ютиб оляпти. Ҳозирда ҳамма жараёнлар шаффоқ бўлаётгани катта энгиллик яратди. Ҳаттоки, қўлимиздаги мобил ускуна орқали ҳам шаффоқ тизимга кириб, тендерда иштирок эта оламиз. “Шаффоқ қурилиш” ахборот тизими барча қурувчиларни қувонтириб, турли шубҳа-гумонларни йўқ қилди. Тендерга кириб, баллини кўриб, тендерга кириш ё кирмаслик ҳақида ўзингизга хулоса олишингиз мумкин. Ногиронлиги бор, ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламни ишга олсангиз балл берилади. Қанча кўп ишчи олсангиз балл кўтарилади. Ушбу ахборот тизими иш ўринлари яратилишига ҳам хизмат қилляпти.

Рақамлар салмоқли, иш ҳажми ҳам кам эмас. Шу жиҳатдан олиб қараганда, тизимни тўлиқ рақамлаштириш ҳам зарурат, ҳам мажбуриятга айланган эди. Гап инновациялар ва янги рақамли технологиялар ҳақида борар экан, қурилиш ва коммунал соҳани рақамлаштириш жараёнида инсон омили аралашуви чек қўйиш борасидаги амалий ҳаракатлар ҳамда натижаларни эътироф этиш тўғри бўлади.

“Шаффоқ қурилиш” бутун кўплаб соҳаларга жадал кириб бораётган, қурилиш ва уй-жой коммунал соҳада самардорлик ва шаффоқлигини кўрсатаётган амалиёт. Масалан, сиз яшаётган бино ё иншоот магистрал йўли бўйида жойлашган бўлса, сиз уни олд ёни ёни фасадларида 25 фоиздан ортиқ ўзгартиришни режалаштирган бўлсангиз, бу жараён “Шаффоқ қурилиш” тизими орқали амалга оширилади. Ҳукумат порталига ариза берилиб, лойиҳа илова қилинади. Сўров автоматик тарзда кадастрга юборилади. Кейин ваколатли орган “Шаффоқ қурилиш” орқали хулоса чиқаради. Бу жараён рақамлаштирилгани, тизими тарзда йўлга қўйилгани коррупция ва бюрократизмга барҳам беришга хизмат қилмоқда.

Аслида ахборот коммуникация технологияларининг кенг жорий этилиши коррупцияга қарши курашишнинг самарали воситасига айланган. “Шаффоқ қурилиш” ахборот тизими орқали 16 та давлат хизматлари рақамлаштирилди. Бу бир томондан фойдаланувчилар учун қулайлик туғдирса, бошқа томондан маълумотларнинг аниқлиги ва шаффоқлигини таъминлайди. Масалан, 2021 йилда руҳсатнома олиш жараёни 39 кунни ташкил қилган бўлса, янги электрон тизимларни жорий этиш натижасида бу муддат 25 кунга қисқарди. Бу ўз ўрнида лойиҳа иштирокчилари учун вақтни тежаш, ишлаб чиқариш самардорлигини ошириш имконини яратди.

– Пудрат ва лойиҳа ишларини бажаришдаги имкониятларини ойма-ой баҳолаб бориш тизими жорий этилди, – деди Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги бўлими бошлиғи Даврон Миллиев. – Ана шу тизимда рейтингни инсон омилсиз шакллантириш имкони мавжуд. Шу рейтинг тизимида шаклланган баллар асосида пудрат ташкилотларида электрон тендер савдоларда қатнашиш имконини беради. Электрон тендерларда ҳам эълон берилгандан кейинги барча жараён рақамлаштирилган бўлиб, пудрат ташкилотлари ўзларининг шахсий кабинетлари орқали электрон тендерга ўз тақлифларини электрон юклашди ва эълон муддати тугагандан кейин инсон омилсиз автоматик равишда ғолиб аниқланади.

Хусусан, электрон тендер платформасида 44 388 тендер ўтказилиб, уларда 6 179 та ташкилот иштирок этди. Улар орқали 50,34 триллион сўм миқдорда лойиҳалар амалга оширилди. Экспертиза жараёнлари ҳам “Шаффоқ қурилиш” электрон тизимига ўтказилган. 2024 йилда 11 миңдан зиёд лойиҳа кўриб чиқилди. Қурилиш назоратида алоҳида тизим жорий қилиниб, 56 миңдан зиёд объект назоратга олинди. 405 миңдан ортиқ мониторинг тадбирлари ўтказилиб, улардан 15 945 тасига тасвирчан қоралар кўрилди. Тошкент шаҳрининг рақамли эгизагини яратишда “АРТ ГИС” геоахборот тизими жорий этилди ва уни юриштириш учун мутахассислар ўқитилиб, махсус компьютер стандартлари билан таъминланди. “Урбанизация ва шаҳарсозлик ҳужжатларини ишлаб чиқиш Республика маркази” фаолияти йўлга қўйилди.

Қурилиш соҳасида нарх шаклланишини шаффоқлантириш мақсадида Қурилиш ресурслари миллий классификатори тизими яратилди. У Товар-хомашё биржаси ва Солиқ қўмитаси тизимлари билан интеграция қилинган. Бу платформа 190 миңдан ортиқ маълумот иш ва хизмат турларини қамраб олади. Шунингдек, шаҳарсозлик нормалари мобил иловаси ишлаб чиқилди ва ундан эркин фойдаланиш имкони яратилди.

Хулоса қилиб айтганда, қурилиш соҳасини рақамлаштириш ҳисобига шаффоқлигини ошириш, инсон омилни камайтириш, амалий механизмларни соддалаштириш ва лойиҳа самардорлигини оширишга эришилмоқда. Эндиликда барча шартномалар рақамлаштирилиб, далолатномалар “Шаффоқ қурилиш” тизими орқали тасдиқланиши ва маълумотлар кенг жамоатчиликка очик тақдим этилиши соҳа келажакига бўлган ишончни янада мустаҳкамлайди.

Деворлар учун инновацион ечим:

ЭНЕРГИЯ ТЕЖОВЧИ 3D ҚОПЛАМАЛАР

Фарангиз ҚУРБОНОВА, ЎзДЖТУ талабаси.

Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги ва “Ўзсаноатқурилишматериаллари” уюмси хамкорлигида ОАВ вакиллари ҳамда блогерлар учун “Энергия тежамкор қурилиш материалларидан фойдаланиш замон талаби” мавзусида пресс-тур ташкил этилди. Тошкент вилоятида жойлашган энергия тежамкор 3D панель ва суяқ гулгозорлар ишлаб чиқаришга ихтисослашган “ICHANKI-LongYong” МЧЖга уюштирилган пресс-тур ОАВ вакилларида катта қизиқиш уйғотди.

Пресс-тур давомида журналистлар ушбу корхонанинг ишлаб чиқариш жараёнлари билан яқиндан танишдилар. Ишлаб чиқаришнинг дастлабки йилларида 10 нафар ходим билан иш бошлаган заводда бугунги кунда 50 нафар ишчи меҳнат қилмоқда. Улар бир кунда 100 хилдан ортиқ маҳсулот ишлаб чиқаради. Маҳсулотлар орасида айниқса, болалар хоналари учун мўлжалланган гиламчалар алоҳида эътиборга лойиқ – уларнинг дизайни такрорланмас ва жозибали.

Эътиборли жиҳати, заводда ишлаб чиқарилаётган 3D қопламалар рақобатбардошлиги билан ажралиб туради. Маҳсулотларнинг тайёр елим билан бирга ишлаб чиқарилаётгани эса уларни янада қулайлигини оширади: энди деворга алоҳида елим суртиш шарт эмас, плёнкасини олиб, ёпиштириш кифоя. Бу эса нафақат харидорлар, балки усталар учун ҳам катта энгиллик яратди.

Муҳими, ҳозирда тайёр маҳсулотлар Қирғиз Республикаси, Тожикистон, Қозоғистон, Туркменистон, Озарбайжон, Россия каби давлатларга экспорт қилинмоқда. Эътиборлиси, 2024 йилда

500 миң доллар миқдорда экспорт амалга оширилган бўлса, жорий йилда мазкур кўрсаткични 1 миллион долларга етказиш кўзда тутилган. Ишлаб чиқаришда фойдаланилаётган хомашё эса асосан маҳаллий ишлаб чиқарувчилардан олинаётгани корхонанинг яна бир ютуғидир. Бу ҳам ўз навбатида ички иқтисодни қўллаб-қувватлашга хизмат қилляпти.

Пресс-тур давомида завод ишчилари орасида бир нафар хитойлик технолог ҳам фаолият олиб бораётганига гувоҳ бўлдик. У ўз билим ва тажрибасини ҳамкасбларига мароқ билан ўргатмоқда. Эътиборлиси, унинг иш ҳақи давлат томонидан қоплаб бериларкан. Бу ташаббус корхонанинг таърибани маҳаллий саноатга татбиқ этишда муҳим аҳамият касб этмоқда. Яна бир муҳим жиҳат шундаки, заводда чикиндидан маҳсулот ишлаб чиқариш технологиясидан ҳам самарали фойдаланилмоқда. Бу эса нафақат экологик тозалик, балки ресурсларни тежаш нуқтаи назаридан ҳам долзарбдир.

Пресс-тур давомида ОАВ вакиллари 3D қоплама ва суяқ гулгозорлар хомашёси, замонавий



технологиялар, ишчи-ҳодимлар учун яратилган шароитлар, корхонанинг келгусида режалари ҳақида тўлиқ маълумотга эга бўлишди. Корхона шоурумида синов жараёнлари амалий намойиш этилди. Журналистлар ўзларини қизиқтирган саволларига мутахассислардан жавоб олишди.

Маълумот учун, 3D қопламалар киш фаслида иситиш харажатларини, ёзда эса совитиш харажатларини камайтиради. Уларнинг асосий қўпикли тузилмаси иссиқлик ва сувқўпикни ушлаб туради. Қишда электр ёки газ печлар билан иси-

тилганда иссиқлик чиқишини 5-7 фоизга камайтиради. Ёзда эса кўёш нурлари деворни қизитишини секинлаштиради. Бу эса кондиционер юкламасини камайтиришга хизмат қилади.

Демак, замонавий, энергия тежовчи 3D девор қопламалари ишлаб чиқаришга ихтисослашган бу завод Ўзбекистоннинг қурилиш саноатида янги саҳифа очмоқда, десак муболага бўлмайди. Маҳсулотларнинг сифати, қулайлиги ва экологик хавфсизлиги ҳам уларни бозорда мунософи ўрин эгаллашига сабаб бўляпти.

Назарий билимларни амалиётда қўллаш СИФАТНИ КАФОЛАТЛАЙДИ

1-бет

Ишлаб чиқилган дастурга мувофиқ, ўқув машғулоти режаси ишлаб чиқилиб, мутахассислар томонидан назарий билимлар бериб берилди. Шунингдек, семинар иштирокчилари бевосита объектларга бориб, олган назарий билимларини жойида кўрсатиб бериб, қандай усуналарда фойдаланган ҳолда техник кўриқларни амалга ошириш, объектни визуал кўриқдан ўтказиш тартибини жойида ўрганишди.

Дастурга кўра, ўқув машғулоти 20 дан ортиқ вазирилик ва идораларнинг 200 га яқин ходими бриктирилди. Алоҳида таъкидлаш зарурки, штабга аҳолининг сейсмик хавфсизлигини таъминлаш борасидаги чора-тадбирларни ташкил этиш, жумладан, миллий қонунчилик ҳужжатларини илгор халқаро асосда такомиллаштириш бўйича муҳим вазифалар юклатилди.

Мазкур ўқув семинарида даставвал 8-10 йиллар ичида қурилган янги кўп қаватли биноларнинг сейсмик хавфсизлик масаласи қандайлиги эътибор қаратилди, - деди лаборатория мудири Анвар Ювмитов. - Уларни хатловдан ўтказиш масалалари, назорат органлари, архитектура қурилиш соҳаси, лойиҳалар каби бир қанча ташкилотларда ишчи гуруҳлар ташкиллаштирилди. Семинардаги маърузалардан кейинги машғулотлар домида Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида назорат қилиш инспекцияси томонидан хатлов домида лойиҳа ташкилотларига нисбатан баъзи бир саволлар юзага келди. Шу сабабли, замонавий асбоб-усуналар ёрдамида биноларнинг ҳолатларини назоратдан ўтказилмоқда.

Шу билан бирга, ҳолатни билиш ва амалиётдаги муаммоларни аниқлаш учун худудларда кўп қаватли бинолар ўрганилиб, паспортларини шакллантириш бўйича алоҳида ишчи гуруҳи ташкил этилди. Бўлиб ўтган ўқув машғулотида ҳам қурилишда давлат ва прокурор назоратида масъулларга улар олдиға қўйилган вазифалар ижросининг ташкилий ва услубий жиҳатлари тушунтирилди.

Семинарда бино-иншоотларнинг сейсмик ҳолатини аниқлаш бўйича визуал кўриқ ўтказиш тартиби тушунтириб берилди, - деди "Ўзоғирсаноатлоиҳа" АЖ бош директори Бехзод Хазратқулов. - Объектни ўзида ҳужжатлар билан ишлаш тартиби, конструкцияларни ўрганиш жараёнида нималарга алоҳида эътибор қаратиш кераклиги тўғрисида тушунтиришлар берилди. Машғулотлардан сўнг визуал техник кўриқдан ўтказиш кўникмалари ошиб, бу жараёнларни сифатли ва ўз вақтида бажариш бўйича тўлиқ шароитлар яратиб берилди, деб ўйлайман. Машғулотлар домида тингловчиларнинг барча саволларига жавоблар берилди.

Қурилиш объектларини инсон ҳаёти билан боғлиқ хавфининг олдини олиш мақсад қилиб олинган, - деди Хоразм вилояти Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида худудий назорат қилиш инспекцияси бўлим бошлиғи ўринбосари Фахриддин Аҳмедов. - Бинолар қурилиши жараёнида авваламбор, қурилиш меъёр ва қоидалари, шахарсозлик норма ва қоидалари асосида ишларни ташкил қилиш, яъни қурилишда лойиҳалар жараёнидаги хатоликлар иштирокчилар, яъни буржумачининг техник назоратчиси, муаллифлик назоратчиси, пудратчининг ички назоратчилари, масъул ходимлар томонидан талаб даражасида қурилиш жараёнини ташкил қилиш қайта тушунтирилди. Семинарда бино ва иншоотларнинг сейсмик хавфсизлигини таъминлаш юзасидан малакамизни оширдик. Кейинги иш фаолиятимиз жараёнида ушбу кўникмаларни амалда қўллашимиз тушунтирилди.

Уч кун давомида дарс машғулотида тушунтирилган назарий билимларни амалиётда қўллаш учун бевосита қурилиш объектларига чиққан ҳолда амалий машғулотлар ҳам ташкил этилди. Дастур якуни бўйича эса ўзлаштириш даражасини баҳолашга қаратилган имтиҳон ўтказилди. Таъкидланганидек, ўқув машғулотида қурилишда сифат ва сейсмик хавфсизлигини таъминлаш масалаларига катта аҳамият берилган. Шунингдек, 3 кун мобайнида иштирокчилар 15 та мавзу бўйича ўз билим ва салоҳиятларини оширишди.

Қурилиш лойиҳалари ижроси бўйича ўқув машғулоти ўтказилди



Шаҳноза ҚАЛАНДАРОВА, Хоразм вилояти Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бош бошқармаси ахборот хизмати раҳбари.

Урганч шаҳрида Қорақалпоғистон Республикаси, Бухоро ва Хоразм вилоятлари масъуллари учун "Қурилиш лойиҳалари ижросини ташкил этиш ва соҳада давлат назоратининг ўзига хос жиҳатлари" мавзусида махсус ўқув машғулоти ўтказилди.

Машғулотларда учта худуднинг қурилиш соҳасида қонунчилик ижроси устидан назоратга масъул бўлган вилоят Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бош бошқармаси ходимлари, инспекция инспекторлари, соҳа прокурорлари ҳамда зилзилабардошлиқни ўрганиш бўйича ишчи гуруҳлар аъзолари иштирок этишди. - Жорий йилнинг февраль ойида маълум бўлдики, шу кунда мамлакат бўйича 2 минг 500 дан ортиқ ижтимоий, инфратузилма ва ишлаб чиқариш объектлари, кўп қаватли ва яқка тартибдаги уй-жойларда қурилиш-монтаж ишлари рўйхатдан ўтмаган ҳолда амалга оширилган, -

деди Қорақалпоғистон Республикаси Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида худудий назорат қилиш инспекцияси бошлиғи ўринбосари Лепесбай Зарликов. - Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2025 йил 24 февралдаги қарорига мувофиқ, қурилиш объектларини рўйхатга олиш муддати жорий йилнинг 1 июлига қадар узайтирилди. Шунингдек, қурилиш ишларини рўйхатга олиш жараёнида даврида қурилиш объектининг кенгаш хулосаси, қурилиш ишлари лойиҳа талаблари асосида бажарилгани, ижобий экспертиза хулосаси, шу билан бирга, бинонинг техник кўриқдан

ўтгани тўғрисидаги ижобий хулосалар олинган объектни рўйхатга олиш учун асос бўлиши белгиланган. Бироқ, ушбу тартиб 2025 йил 24 феврал санасидан кейин ўзбошимчилик билан қурилган ноқонуний қурилиш объектларига татбиқ этилмайди ва ушбу қурилиш объектлари рўйхатга олинмайди.

Ўқув машғулоти домида қурилиш объектларининг лойиҳа-смета ҳужжатларини шахарсозлик ва комплекс экспертизадан ўтказиш, бунда кўп қаватли бинолар учун сейсмик ва зилзилабардошлиқ талабларига алоҳида эътибор бериш, баҳолаш ва бунда прокурор назоратини ташкил этиш жараёнлари иштирокчиларга тушунтирилди. Ўқув машғулоти амалий қисмида иштирокчилар "Ал-Хоразмий" шаҳарчасида бўлишди. Улар кўп қаватли уй-жойлар қурилишида сейсмик хавфсизлик талабларига риоя қилиниши бўйича инструментал текшириш кўникмаларини оширдилар.

Ўқув машғулоти якунида иштирокчиларнинг олган билим ва кўникмалари тест саволлари орқали синовдан ўтказилди.

Ижтимоий соҳа объектларида МОНИТОРИНГ ОЛИБ БОРИЛДИ

Бекжон ЖўРАҚУЛОВ, "O'zbekiston bunyodkori" мухбири.

Жиззах вилоятида аҳолиға қулай турмуш шароитини яратиш, ижтимоий соҳаларни модернизация қилиш ва инфратузилмани замонавий талабларга мос ҳолда ривожлантириш борасида тизимли ишлар олиб борилмоқда.

Хусусан, ҳозирда соғлиқни сақлаш соҳасига оид йирик қурилиш ва реконструкция лойиҳалари изчил давом эттириляпти. Бу бордадаги ишларнинг сифати, шаффофлиги ва белгиланган стандартларга мувофиқлигини таъминлаш мақсадида доимий равишда мониторинг ва назорат ишлари йўлга қўйилган. Жиззах вилояти прокурори ўринбосари Алишер Мирзоев ҳамда Жиззах вилояти ҳокимлиги "Ягона буржумачи хизмати" инжиниринг компанияси давлат унитар корхонаси директори Достонбек Қоплонов томонидан Жиззах шаҳри худудида қуриляётган бир нечта муҳим ижтимоий соҳа объектларида мониторинг ўтказилди.

Ўрганишлар домида биринчи навбатда, Республика шойлининг тиббий ёрдам илмий марказининг Жиззах филиалида олиб борилган кенг қўламли реконструкция ишлари кўздан кечирилди. Ушбу объект доирасида 250 ўринли, тўрт қаватли замонавий бино барпо этилмоқда. Пудратчи ташкилот - "ErgoHaus" МЧЖ томонидан амалга оширилган қурилиш ишлари бўйича тузилган шартноманинг умумий қиймати 54 миллион 694 миллион сўмдан ошди. Шунингдек, Жиззах шаҳар тиббиёт бирлашмасига қарашли акушерлик мажмуаси ҳамда Жиззах филиалидаги бошқа тиббий объектларда



олиб борилган қурилиш-таъмирлаш ва реконструкция ишлари ҳам алоҳида кўриб чиқилди. Мазкур объектларда пудратчи сифатида "And Tex-Naz" МЧЖ фаолият юритмоқда. Бу ишлар бўйича ту-

зилган шартнома қиймати 9 миллиард 734 миллион сўмдан ортиқчи ташкил этади.

Мониторинг жараёнида амалга оширилган қурилиш ишлари техник жиҳатдан ўрганилди, ишлар сифати, фойдаланилаётган қурилиш материалларининг талабга жавоб бериши, ишларнинг белгиланган муддатларда бажарилиши бўйича жойида тахлиллар олиб берилди. Аниқланган айрим камчиликларни бартараф этиш юзасидан пудратчи ташкилотларга тавсия ва кўрсатмалар берилди.

Мутасаддиларнинг қайд этишича, назорат фақатгина ҳозирги босқич билан чекланмайди. Қурилиш ишлари якунига етказилганига қадар вилоят прокуратураси ва "Ягона буржумачи хизмати" ДУК вакиллари томонидан мазкур объект доимий мониторинг қилиб борилади.



Тажриба ва малака қўл келяпти

Лаизз УЗОҚОВ, Самарқанд вилояти Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида худудий назорат қилиш инспекциясининг қурилиш-синов лабораторияси ва бино-иншоотлар техник ҳолатини ўрганиш бўлими мудири.

Бугунги кунда бўлимимизда 18 нафар мутахассис меҳнат қилади. Уларнинг ҳаммаси малакали, тажрибали кадрлар бўлиб, тегишли сертификат ва гувоҳномаларга эга. Ақсарияти чет элларда ўқиб, малака ошириб келишган. Яқинда янги замонавий биноға кўчиб ўтдик.

Бу ерда самарали меҳнат қилиш учун ҳамма шароит мавжуд. Замонавий синов асбоб-уску-

налари олиб келинди. Хоналаримиз зарур аппаратлар билан жиҳозланган.

Худудий инспекциямиз томонидан жорий йил домида 212 та объектда ўрганиш олиб борилди. Қурилиш материаллари, бино-иншоотлар қурилиши бўйича қонун-қоидаларга риоя қилинаётгани юзасидан 1366 та баённома расмийлаштирилган бўлса, шундан 1320 таси ижобий ҳал этилди. 75 та бино-иншоот техник ҳолати ўрганилганда, 20 тасида яроқсиз маҳсулотлар ишлатилгани аниқланди. 23 та ҳолатда кучайтириш ишларини олиб бориш бўйича тавсиялар берилди. Ғишт, арматура, плита, блок, эшик-деризалар сифати, сертификат мувофиқлигини текшириш учун барча асбоб-ускуналарнинг мавжудлиги ишларни самарали ташкил қилишда қўл келяпти.

Айни пайтда ГЭСлар, қуёш электр станциялари кўпайди. Уларнинг ҳам иш жараёни доимий назоратда. Бунинг учун қурилиш-синов кўчма лабораторияси фаолият кўрсатапти. Хо-



димларимиз ана шу кўчма лаборатория хизматидан ўринли фойдаланиляпти.

Бир сўз билан айтганда, бўлим томонидан амалга оширилган барча ишлар яратилган шароит билан бир қаторда ходимларнинг тажриба ва малакаси ҳам асқатмоқда.

Бухородаги бунёдкорликлар кўздан кечирилди

Зулфизар МАВЛОНОВА, "O'zbekiston bunyodkori" мухбири.

Бухоро вилоятининг Бухоро туманида жойлашган Боғидашт маҳалласи худудидаги "Янги Ўзбекистон" массивида кенг қўламли қурилиш ишлари жадал давом этмоқда. Ушбу худудда кўп қаватли уйлар, ижтимоий иншоотлар ва инфратузилма объектлари барпо этилиши режалаштирилган бўлиб, лойиҳанинг муваффақияти мамлакатимиз худудларини ривожлантириш ва аҳоли турмуш сифатини яхшилашга хизмат қилади.

Қурилиш жараёнларини кўздан кечириш мақсадида Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазири ўринбосари Тоир Алиматов бошчилигидаги ишчи гуруҳ мазкур массив худудида мониторинг ишларини олиб борди. Ишчи гуруҳ сейсмик хавфсизлик талаблари, қурилиш стандартлари, лойиҳа ҳужжатлари ва қурилиш сифати бўйича чуқур текширув ўтказди.

Ушбу "Янги Ўзбекистон" массиви 44 гектар майдонни эгаллаган бўлиб, унда жами 111 та 7 ва 9 қаватли турар жой биноларини қуриш кўзда тутилган. Шу билан бирга, худудда иккита мактаб, учта боғча, поликлиника, ёшлар боғи ва бошқа муҳим ижтимоий объектлар ҳам бунёд этилиши режалаштирилган бўлиб, буларнинг барчаси аҳолининг фаровонлигини таъминлашга қаратилган.

Мониторинг домида қурилишда айрим жиддий камчиликлар аниқланиб, уларни бартараф этилиши юзасидан аниқ чора-тадбирлар белгиланди. Жумладан, лойиҳа ҳужжатларида гидроизоляция материаллари нотиғри қўлланилиб, қурилиш талабларига риоя қилинмаган. Бундан ташқари, биноларда фойдаланилган базалит қопламаларнинг сифати етарли эмас, уларнинг мустақамлиги ва эстетик кўриниши стандартларга жавоб бермайди. Қурилиш майдонидан тозаланиб етарли даражада эътибор қаратилмагани, чиқиндилар вақтида олиб чиқилмагани, бетон ишларининг сифати зарур зичлик ва мустақамликка эга эмаслиги маълум бўлди.



Аниқланган камчиликларни бартараф этиш ва қурилиш сифатини ошириш мақсадида мутасаддиларга қатор топшириқлар берилди. Қурилиш маданиятини ошириш, лойиҳа ҳужжатларини қайта кўриб чиқиш, сифат стандартларига қатъий риоя қилиш бўйича чора-тадбирлар кучайтирилди. Бундан ташқари, қурилиш жараёнларини мунтазам назорат қилиш ва қурувчиларнинг масъулиятини ошириш масаласига ҳам алоҳида эътибор қаратилди.

Шунингдек, ишчи гуруҳ "Arch building" компанияси томонидан қуриляётган "Ўзбегим уйлари" массивида ҳам ўрганиш ишларини олиб боришди. Ушбу массивдаги бунёдкорлик ишлари юзасидан масъулларга керакли топшириқлар берилди. "Ачилов

Миршод" МЧЖ томонидан барпо этиляётган объектлар ҳамда "Varaxsha city"даги қурилиш жараёни ҳам кўздан кечирилиб, бунёдкорлик ишларини сифатини ва ўз вақтида бажариш бўйича кўрсатмалар берилди.

Бир сўз билан айтганда, Бухоро вилоятида барпо этиляётган янги массивлар мамлакатимиз худудларини ривожлантириш ва аҳолининг турмуш шароитларини яхшилашга қаратилган кенг қўламли ислохотларнинг муҳим қисми ҳисобланади. Бунинг натижасида нафақат кўп оилалар замонавий турар жойларга эга бўлади, балки худудда ижтимоий ва маданий инфратузилма янада яхшиланади. Зеро, аҳоли учун қулай яшаш шароитларини яратиш давлат сийосатининг устувор йўналишларидан биридир.



“QISHLOQQURILISHLOYIHA”

Musulmon ahlining muborak ayyomi –

Qurbon hayiti

bilan barcha yurtdoshlarimizni
muborakbod etamiz!

Ulug' kunlarda qalbimiz iymon nuriga to'lsin.
Salomatlik va mehr-muhabbat hech birimizni
tark etmasin.



JIZZAX VILOYATI
Qurilish va uy-joy kommunal
xo'jaligi sohasida hududiy
nazorat qilish inspeksiyasi

Ezgulik va abillik timsoli muqaddas

Qurbon hayiti

barchangizga muborak bo'lsin!

*Yaratgan barchamizning
yorug' va pok niyatlarimizni
ijobat aylasin!
Yurtimiz tinch, xalqimiz
hamisha baxtli bo'lsin.*




Muqaddas Islom dinimizning
ezgu bayrami –

Qurbon hayiti

bilan barcha yurtdoshlarimizni
qutlaymiz!

Yurtimizdan totuvlik va baraka,
hamjihatlik va mehr-oqibat arimasin.



NAVOIY VILOYATI
Qurilish va uy-joy kommunal
xo'jaligi sohasida hududiy
nazorat qilish inspeksiyasi



ПРАВИТЕЛЬСТВО РЕСПУБЛИКА УЗБЕКИСТАН

получило кредит от Всемирного банка (Банка) на реализацию проекта "Развитие сельской инфраструктуры" и намеревается использовать часть средств данного кредита для финансирования правомочных платежей по контракту на выполнение проектно-исследовательских работ и разработку рабочего проекта под ключ по следующим объектам:

№	Наименование объекта	Номер контракта	Стартовая стоимость работ (сум без НДС)	Срок выполнения работ (календарных дней)
1.	Улучшение электроснабжения МСГ "Фаровон" Улугнарского района, МСГ "Якка тол" и МСГ "Янги кишлок" Бустанского района Андижанской области	MOEI-RIDP-AND-CS-128	38 955 800	35

ИНЖИНИРИНГОВАЯ КОМПАНИЯ СЕЗ АНДИЖАНСКОГО ОБЛАСТНОГО ХОКИМИЯТА (ДАЛЕЕ ИМЕНУЕМЫЙ "ЗАКАЗЧИК")

приглашает проектные организации представить объединенные технические и финансовые предложения по предоставлению следующих консультационных услуг: выполнение проектно-исследовательских работ и разработку рабочего проекта под ключ по вышеуказанным объектам. Торги будут проводиться в соответствии с процедурами национальных конкурсных торгов (НКТ), установленными в "Правилах закупок для заемщиков ФИП Всемирного банка" и в нем могут принять участие любые участники из правомочных стран, как определено в Правилах.

Заинтересованные правомочные проектные организации могут получить более подробную информацию в Консалтинговом центре по организации государственных закупок в сфере строительства Андижанской области и ознакомиться с тендерной документацией в рабочее время с 9.00 до 18.00 по нижеуказанному адресу. Полный комплект тендерной документации на русском языке может быть приобретен заинтересованными участниками торгов по предоставлению письменной заявки по нижеуказанному адресу и оплаты невозмещаемого взноса. Оплата для покрытия расходов по распечатке и рассылке/транспортных расходов составляет 375 000 сум.

Технические и финансовые предложения должны быть пред-

ставлены в Консалтинговый центр по организации государственных закупок в сфере строительства по следующему адресу: г. Андижан ул. А. Навои, 30 (здание главного управления строительства, 1-этаж, кабинет, 103).

Адрес: г. Андижан ул. А. Навои, 30 (здание главного управления строительства, 1-этаж, кабинет, 103).

Адрес электронной почты: andijon.tender@mail.ru

Ответственный представитель консалтингового центра: М. Топволдиев.

Предложения должны быть получены нарочно по адресу и не позднее указанной выше даты и времени. Предложения, поступившие после истечения крайнего срока подачи, не будут рассматриваться. Любое предложение, полученное после истечения крайнего срока подачи, объявляется опоздавшим, отклоняется и возвращается участнику торгов нераспечатанным.

Предложения должны быть получены нарочно по адресу и не позднее указанной выше даты и времени. Предложения, поступившие после истечения крайнего срока подачи, не будут рассматриваться. Любое предложение, полученное после истечения крайнего срока подачи, объявляется опоздавшим, отклоняется и возвращается участнику торгов нераспечатанным.

Адрес: г. Андижан ул. А. Навои, 30 (здание главного управления строительства, 1-этаж, кабинет, 103).

Адрес электронной почты: andijon.tender@mail.ru

Ответственный представитель консалтингового центра: М. Топволдиев.

Предложения должны быть получены нарочно по адресу и не позднее указанной выше даты и времени. Предложения, поступившие после истечения крайнего срока подачи, не будут рассматриваться. Любое предложение, полученное после истечения крайнего срока подачи, объявляется опоздавшим, отклоняется и возвращается участнику торгов нераспечатанным.



IJTIMOIY-IQTISODIY GAZETA
**O'ZBEKISTON
BUNYODKORI**
СТРОИТЕЛЬ УЗБЕКИСТАНА

Qurbon hayiti

bilan barcha yurtdoshlarimizni
muborakbod etamiz!

ТАНЛОВДА ИШТИРОК ЭТИНГ!

Ўзбекистон Республикасида етакчи ҳарбий таълим маскани ҳисобланган, ҳарбий мутахассисларни тайёрлашда юқори мавқега эга бўлган Куролли Кучлар Ҳарбий тиббиёт академияси куйидаги профессор-ўқитувчилар лавозимларига танлов эълон қилади:

Тиббиёт хизматининг тузилиши ва тактикаси кафедраси	Жанговар жарроҳлик потологияси кафедраси	Ҳарбий терапия ва таксикология кафедраси
Профессор - 1 нафар	Профессор - 1 нафар	Профессор - 1 нафар
Доцент - 1 нафар	Доцент - 1 нафар	Доцент - 1 нафар
Катта ўқитувчи - 4 нафар	Катта ўқитувчи - 1 нафар	Катта ўқитувчи - 3 нафар
Ўқитувчи - 5 нафар	Ўқитувчи - 2 нафар	Ўқитувчи - 1 нафар
Ҳарбий гигиена кафедраси	Ҳарбий эпидемиология ва биохафсизлик кафедраси	
Профессор - 1 нафар	Профессор - 1 нафар	
Доцент - 1 нафар	Доцент - 1 нафар	
Катта ўқитувчи - 3 нафар	Катта ўқитувчи - 3 нафар	
Ўқитувчи - 1 нафар	Ўқитувчи - 1 нафар	

Танловда қатнашиш учун куйидаги ҳужжатлар талаб этилади:

Академия бошлиғи номига ариза, қатнашувчиларда илмий даража, илмий унвон, шунингдек, илмий ишлар ва ихтиролар мавжуд бўлган тақдирда, улар тегишли дипломлар, аттестатлар нусхалари ва илмий ишлар рўйхатини тақдим этиш лозим.

Танловда қатнашиш учун камида магистр даражасига эга, келажакда илмий иш билан шуғулланиш истаги бор номзодлар қатнашиши талаб этилади.

Ҳужжатлар даврий нашрда эълон чоп этилган кундан бошлаб 30 (ўттиз) кун муддат ичида қабул қилинади.

Академияда педагог-ўқитувчилар таркибига ҳақ тўлаш тартиби куйидагича белгиланган:

1. Махсус моддий рағбатлантириш жамғармаси ҳисобидан базавий лавозим маошига 15 % қўшимча устама.

2. Иш муддати учун 30 % гача қўшимча устама.

3. Педагогик фаолият билан шуғулланувчи ходимларга базавий лавозим маошининг 50 % ойлик миқдоридан ҳар ойлик устама тўланади.

Маълумот учун телефонлар:

55-506-02-65, 93-536-53-36.



СУВ ИНШОТИДАГИ ЗАРАРСИЗЛАНТИРИШ УСКУНАСИНИНГ АҲАМИЯТИ

Жалолiddин АБЛАХАТОВ, Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида назорат қилиш инспекцияси Ичимлик сувини ишлаб чиқариш ва етказиб беришнинг технология талабларига риоя этилиши назоратини мувофиқлаштириш бўлими бош мутахассиси.

Юртимизда ичимлик суви таъминоти соҳасида қамров даражасини ошириш ва шу тариқа аҳолига муносиб турмуш шароитларини яратиш мақсадида кенг қўламли ислохотлар амалга оширилмоқда. Бунинг натижасида бугунги кунга келиб аҳолининг марказлашган ичимлик суви билан таъминланганлик даражаси 80,9 фоизга етказилди.

Ичимлик суви таъминоти ташкилотлари тасарруфидоги 12 000 дан ортиқ ичимлик суви иншооти орқали юртимиздаги истеъмолчилар тоза ичимлик суви билан таъминланмоқда. Албатта, ушбу ичимлик суви иншоотлари орқали ишлаб чиқарилаётган ичимлик суви санитария қоидалари нормаларига ва гигиена нормативларига, давлат стандартларига мувофиқ, инсон соғлиғига хавфсиз бўлиши учун уни зарарсизлантириш муҳим аҳамиятга эга.

Маълумки, ичимлик суви инсон саломатлиги учун энг муҳим омиллардан бири ҳисобланади. Тоza, хавфсиз ва сифатли ичимлик суви таъминоти ҳар бир жамият учун муҳим аҳамиятга эга бўлиб, бу борада ичимлик суви иншоотларида ўрнатилган зарарсизлантириш ускуналари асосий ўрин тутаяди. Бугунги кунда юртимизда истеъмолчиларга тоза ичимлик суви етказилиб берилиши юзасидан доимий давлат назорати ўрнатилган. Бу борада Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Мақамаси ҳузуридаги Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида назорат қилиш инспекциясига ҳам бир қатор вазифалар юкланган. Мазкур вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида Инспекция томонидан ҳудудлардаги ичимлик суви иншоотларида зарарсизлантириш қоидаларига риоя қилиниши бўйича доимий мониторинглар амалга оширилмоқда.

Жумладан, истеъмолчиларга хавфсиз ва тоза ичимлик суви етказилиб берилишини таъминлаш учун 2025 йил январь-апрель ойлари давомида 600 дан ортиқ ичимлик суви иншоотида танлов асосида ўрганиш ишлари олиб борилди. Ишлаб чиқарилган суви зарарсизлантиришдан кўзланган асо-

сий мақсад – сувда турли микроорганизмлар, вируслар, бактерия ва кимёвий моддалар бўлиши мумкин. Агар бу зарарли омиллар бартараф этилмаса, инсонларда турли касалликлар, жумладан, ичак инфекциялари, тери касалликлари ва ҳатто хавfli эпидемиялар келиб чиқиши мумкин. Шу боис, ичимлик суви таъминоти ташкилотлари томонидан зарарсизлантириш жараёни орқали сув таркибидоги зарарли моддалар йўқ қилинади ҳамда инсон соғлиғи учун хавфсиз бўлган ичимлик суви истеъмолчиларга етказилади.

Ҳозирги кунда ичимлик суви иншоотларида асосан хлорлаш ёрдамида ва ультрабинафша нурлар билан зарарсизлантириш йўли қўйилган. Хлорлаш ёрдамида зарарсизлантириш бу – энг кенг тарқалган усуллардан бири бўлиб, бактериялар ва вирусларни йўқ қилиш учун самарали ҳисобланади. ШНҚ-2.04.02-2019 "Сув таъминоти. Ташқи тармоқлар ва иншоотлар"да сувни зарарсизлантириш учун хлор меъёри ер усти сув манбалари учун тиндиришдан кейин 2-3 мг/л ва ер ости сув манбалари учун эса 0,7-1,0 мг/л қабул қилиш лозимлиги белгиланган.

Ўзбекистон Миллий стандарти "Ичимлик суви. Гигиеник талаблар ва сифатини назорат қилиш" 133-2024 га кўра, сувни эркин хлор билан зарарсизлантиришда унинг сув билан алоқа қилиш вақти камида 30 минут, хлор билан боғланган ҳолда камида 60 минут бўлиши керак.

Одатда йирик ичимлик суви иншоотларида газсимон ва суюқ хлор ишлатилади, кичик ичимлик суви иншоотларида гипохлорит кальций ишлатилади. Ультрабинафша нурлар билан зарарсизлантириш – кимёвий моддаларсиз, экологик тоза усул ҳисобланади. Бак-

терицид нурлиниши қўллаш учун сув тиниқ бўлиши керак. Сувни зарарсизлантиришда бактерицид нур манбаси сифатида симоб-кварц ёки аргон-симоб лампаларидан фойдаланилади. Бунда тиниқ сув юпқа қатлам сифатида лампани айланиб ўтиш жараёнида бактерицид нур таъсирига тушади ва зарарсизлантирилади.

Зарарсизлантириш ускуналари танланар экан, ҳудуднинг иклими, сув манбалари, аҳоли зичлиги ва мавжуд муҳандислик коммуникациялари ҳисобга олиниши керак. Масалан, қишлоқ жойларда кичик ҳажмли, энергия тежамкор ва автоматлаштирилган мобил ускуналар самарали бўлиши мумкин. Шаҳарларда эса катта қувватли, марказлашган тизимлар кўпроқ ишлатилади. Зарарсизлантириш ускуналари фақат ўрнатиш билан чекланиб қолмайди. Уларнинг самарали ишлаши учун доимий мониторинг, текширув ва техник хизмат кўрсатиш талаб қилинади.

Бу жараёнларда реагентларни сақлаш ҳам муҳим аҳамиятга эга эканлигини алоҳида таъкидлаш зарур. Хлор омборининг сигими 100 тоннадан ошмаслиги, бутунлай ихоталанган битта бўлинмада – 50 тонна бўлиши лозим. Омбор ёки бўлинмада бино ва хонанинг қарама-қарши томонидан иккита чиқиш йўли бўлиши керак. Бу талаблар ШНҚ-2.04.02-2019 "Сув таъминоти. Ташқи тармоқлар ва иншоотлар"нинг тегишли бандларида белгилаб берилган.

Хулоса ўрнида таъкидлаш жоизки, ичимлик суви иншоотларида зарарсизлантириш ускуналарининг аҳамияти бекиёс. Улар орқали аҳоли соғлиғини муҳофаза қилиш, юқумли касалликларнинг олдини олиш ва умумий санитария ҳолатини яхшилаш мумкин. Шу сабабли, ушбу ускуналарга сармоя киритиш нафақат иқтисодий, балки ижтимоий жиҳатдан ҳам ниҳоятда муҳим ҳисобланади. Истеъмолчиларни сифати кафолатланган ичимлик суви билан таъминлаш соғлом ҳаёт кафолати бўлиб, барқарор санитария муҳитини таъминлашга хизмат қилади. Ҳар бир ичимлик суви таъминоти ташкилоти ва мутахассиси зарарсизлантириш ускуналаридан тўғри ҳамда самарали фойдаланиб, техник хизмат кўрсатиш жараёнига масъулият билан ёндашиши зарур.

ИЧИМЛИК СУВИ ТАЪМИНОТИ ДОИМИЙ НАЗОРАТДА

Акбар АВАЗОВ, Хоразм вилояти Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида ҳудудий назорат қилиш инспекцияси етакчи мутахассиси.

Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида давлат назоратини кучайтириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 14 апрелда "Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида давлат назоратини самарали ташкил қилиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПФ-66-сон Фармони қабул қилинди.

Фармонда белгиланган устувор вазифалар соҳада манфаатлар тўқнашувининг олдини олиш, қурилиш-монтаж ишларининг сифати ва лойиҳа ҳужжатларига мувофиқлиги, шунингдек, кўп квартирали уй-жой фондини бошқариш, иссиқлик таъминотидан фойдаланиш, ичимлик суви таъминоти ва оқова сувларни чиқариб юбориш хизматларини кўрсатиш ҳамда улардан фойдаланиш юзасидан таъсирчан давлат назоратини таъминлашдан иборат.

Ушбу Фармон билан ичимлик суви таъминоти ва оқова сувларни чиқариб юбориш соҳасида назорат функцияларини тўлиқ рақамлаштириш, 2025 йилнинг 1 сентябрга қадар "Шаффоф қурилиш" миллий ахборот тизимининг "Қурилишда давлат назорати" электрон платформасига "Ўзсувтаъминот" АЖнинг биллинг тизимидаги истеъмолчилар манзили ва сони, сув ҳисоблагичлари кўрсаткичлари, сарфланган сув миқдори ва қарздорлик, оқова сувларни чиқариш, янги қамраб олинган истеъмолчилар тўғрисида бошқа маълумотлар интеграция қилиниши белгиланган.

Бугунги кунда дунё бўйлаб аҳоли сонининг ортиши, sanoatнинг кенга-

йиши ва иқлим ўзгаришлари натижасида ичимлик суви муаммоси долзарб масалалардан бирига айланмоқда. Афсуски, кўпчилик ҳали ҳам сувнинг бебаҳо неъмат эканини англаб етмаган. Биз ичимлик сувини тежаш ва ундан оқилона фойдаланишни ўрганиш, келажак авлодлар бу ресурстан маҳрум бўлиши мумкин. Вилояти-мизда ичимлик суви таъминотини назорат қилиш ва ноқонуний фойдаланишнинг олдини олиш мақсадида ҳудудий инспекция ходимлари томонидан доимий мониторинг ишлари олиб борилмоқда.

Хусусан, жорий йилнинг 1 май ҳолатига кўра, ҳудудий инспекция томонидан санитария-эпидемиология осойишталиги ва жамоат саломатлиги хизмати билан ҳамкорликда истеъмолчиларга етказиб берилаётган ичимлик суви сифатини ўрганиш бўйича 672 та таҳлил намунаси олинди. Ичимлик суви таъминоти ва оқова сувларни чиқариб юбориш хизматларидан фойдаланишда жами 99 та ноқонуний ҳолат аниқланиб, қоидабузарлардан "Хоразм сув таъминоти" АЖ ташкилотига 103,0 миллион сўмлик қўшмача тўлов ҳисобланди. Шунингдек, 129 та ҳолатда

353,0 миллион сўмлик маъмурий жарима қўлланилди.

Бундан ташқари, ўтказилган ўрганишлар давомида ичимлик ва оқова сув тармоқларига ноқонуний улаиш бўйича аниқланган 5 та ҳолатда қоидабузарлик аниқланиб, етказилган зарар миқдори 579,0 миллион сўмни ташкил қилган. Тўпланган ҳужжатлар Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг тегишли моддаларига мувофиқ, чора кўриш учун ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга юборилди.

Инвестиция дастурлари асосида ичимлик суви таъминоти ва оқова сувларни чиқариб юбориш хизматлари билан 38 та янгидан қамраб олинган маҳалла ҳудудларида ҳудудий инспекция ишларида аҳоли ва "Хоразм сув таъминоти" АЖ ўртасида 360 та шартномавий муносабатлар расмийлаштирилган. Бунинг натижасида 744 нафар аҳоли тоза ичимлик суви билан қамраб олинди.

Назорат тадбирлари давомида ичимлик суви таъминоти ва оқова сув тармоқларида 74 та авария ва носозликлар аниқланиб, уларни бартараф этиш бўйича "Хоразм сув таъминоти" АЖнинг туман ва шаҳар филиалларига 67 та ичимлик сув тармоқларидаги авариялар ҳолатлари бўйича кўрсатмалар киритилди.

Бир сўз билан айтганда, сувдан оқилона фойдаланишда фақат ҳуқуқат еки ташкилотлар эмас, балки ҳар бир инсон бу жараёнга ўз ҳиссасини қўшиши зарур. Ойлада болаларга суви кадрларини ўргатиш, маҳаллаларда экологик тарғибот ишларини олиб бориш ҳам сув ресурсларини асрашга хизмат қилади.

6 МИНГ КИШИНИНГ БИР КУНЛИК ИЧИМЛИК СУВИ БЕХУДА САРФЛАНДИ

Ихтиёр УМАРОВ, "Қашқадарё сув таъминоти" АЖ матбуот хизмати раҳбари.

Қашқадарё вилоятида ичимлик сувини тежаш ва ундан оқилона фойдаланиш бўйича кенг қўламли тарғибот ишларига қарамай, ноқонуний улаиш ҳолатлари ҳали ҳам учраб туриши аҳоли ва мутасаддилар учун катта ташвиш уйғотмоқда. Ҳар бир сув қувури – бу шаҳар ва қишлоқ аҳолиси учун муҳим ресурс бўлиб, унинг ноқонуний равишида истеъмол қилиниши нафақат иқтисодий зарар келтиради, балки сув таъминоти тизимига ҳам салбий таъсир кўрсатади.



Яқинда "Қашқадарё сув таъминоти" акциядорлик жамияти ҳамда Қашқадарё вилояти Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида ҳудудий назорат қилиш инспекцияси ходимлари билан ҳамкорликда Ғузор туманида ўтказилган рейд тадбирида шундай ноқонуний улаиш ҳолати аниқланди. Ўрганишлар давомида маълум бўлишича, туманининг Қовчин маҳалласи ҳудудидан ўтадиган "Шахрисабз-Қарши" магистрал ичимлик суви қувурига 50 миллиметрли пласт-

масса қувур орқали ўзбошимчилик билан улаиш, сув дала майдонини суғориш учун ишлатилмоқда.

Бу ҳолатда тахминий ҳисоб-китобга кўра, бир соатда 18 куб метр, сутка давомида эса 450 куб метр ичимлик суви ноқонуний равишда оқиб кетиши мумкин. Мутахассисларнинг ҳисоб-китобларига кўра, ушбу сув миқдори бир кунда 6 мингдан ортиқ одамни ичимлик суви билан таъминлаши мумкин. Бу эса сув ресурсларининг беҳуда сарфланганлигини кўрсатади. Бундан ташқари, "Қашқадарё сув таъминоти" масъулари зарар суммасини 1 миллиард 35 миллион 326 минг сўмга баҳоламоқда.

Ҳудудий назорат қилиш инспекция бош мутахассиси Алишер Мухторовнинг таъкидлашича, жорий йилда шунга ўхшаш 11 та ҳолат аниқланиб, 2 миллиард 102 миллион сўмлик ноқонуний улаишлар бўйича ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга тегишли чоралар кўриш учун тақдимномалар киритилган. Рейд давомида ушбу ноқонуний улаиш "Қашқадарё сув таъминоти"га қарашли авария бригадаси томонидан бартараф этилди ва тармоқдан узилди. Ҳозирда ушбу ҳолат юзасидан дала майдони кимга тегишли эканлиги аниқланмоқда ва қонунчилик асосида тегишли чора кўрилади.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, дунёда сув ресурслари кўпайиш эмас, камайиш йўлида эканлигига қарамай, баян аҳоли ва ташкилотлар томонидан сувдан оқилона фойдаланишга амал қилинмаётгани салбий оқибатларга олиб келмоқда. Шу сабабли ҳам, маҳаллий ҳокимият ва тегишли идоралар томонидан сув ресурсларини муҳофаза қилиш, сув тежаш технологияларини кенг жорий қилиш ҳамда сувдан оқилона фойдаланиш бўйича тарғибот ишлари изчил олиб бориляпти. Биргина Қашқадарё вилоятида эмас, бутун мамлакат миқёсида ҳам ушбу муаммони бартараф этиш учун ҳуқуқий чоралар кучайтирилиб, ноқонуний сув истеъмол қилиш ҳолатларига қатъий чоралар кўриломоқда.

Қимматли қог'озлар бозорида ҳиёла-наयरangларга қарши кураш

Ситора ИБРОHIМОВА,
Тoshkent davlat yuridik universiteti Jinoiy odil sudlov fakulteti 3-bosqich talabasi.

Ма'lumki, 2025-йил 1-йулдан бoshлаб О'zbekistonda қимматли қог'озлар бозорида ҳиёла-наयरangning oldini olishga doir yangi qoidalar kuchga kiradi. Bu yangilik mamlakat kapital bozorini yanada shaffof, ishonchli va barqaror qilishga xizmat qiladi.

Қимматли қог'озлар бозори – иқтисодий о'сishning муhim tarkibiy qismi. Ammo ushbu sohada sodir etilayotgan ayrim hiyla-nayrang harakatlari investorlar ishonchiga putur yetkazishi mumkin. Shu sababli O'zbekiston Respublikasi Iltiqoboli loyihalari milliy agentligi tomonidan 2025-йил 15-mayda qabul qilingan va 27-mayda Adliya vazirligida ro'yxatdan o'tgan buyruq asosida maxsus Qoidalar tasdiqlandi.

Qoidalarda "hiyla-nayrang" tushunchasining aniq huquqiy ta'rif berilgan. Jumladan, yolg'on ma'lumot tarqatish, sun'iy narx o'zgarishlarini tashkil qilish, savdo hajmini asossiz oshirish yoki kamaytirish kabi harakatlari hiyla-nayrang sifatida baholalanadi. Bunday holatlar qimmatli qog'ozlar narxining bozor sharoitida shakllanadigan darajadan farq qiladigan tarzda boshqarilishini ta'minlab, raqobat muhitiga zarar yetkazadi.

Bundan tashqari, mazkur hujjatda bozor ishtirokchilari ya'ni brokerlar, dilerlar va boshqa professional subyektlarga mijoz bilan ishlashda quyidagi majburiyatlar yuklatiladi:

- haqiqiy to'lov imkoniyati bo'lmagan mijozlarning buyurtmalarini rad etish;

- bitimlar haqidagi to'liq axborotni mijozlarga taqdim etish;
- hujjatli topshiriqlarsiz hech qanday operatsiyani amalga oshirmaslik;
- shubhali bitimlar to'g'risida davlat organlariga xabar berish.

Bundan tashqari, xodimlar manfaatlar to'qnashuviga yo'l qo'ymaslik, ichki maxfiy ma'lumotlardan o'z manfaatlarini yo'lida foydalanmaslik va tijorat sirini oshkor qilmaslik majburiyatini oladilar.

Yangi qoidalar ko'ra quyidagi holatlar qat'iyan taqiqlanadi:

- bitim amalga oshirilgan taqdirda ham mulkdorning o'zgarishiga olib kelmaydigan operatsiyalar;
- narxlarni sun'iy tarzda oshirish yoki pasaytirish;
- yolg'on savdo faoliyati taassurotini yaratish;
- bitimlarni oldindan kelishilgan holda tuzish orqali bozorni chalg'itish.

Bu taqiqlarning amalga joriy qilinishi investorlar manfaatlarini himoya qilish bilan birga, erkin raqobat muhitini saqlab qolib rivojlantirishga xizmat qiladi.

Shuningdek, ishtirokchilarning faoliyati ustidan nazorat masalasi ham hujjatda o'z aksini topgan bo'lib, qimmatli qog'ozlar bozorini tartibga solish bo'yicha nazoratni vakolatli davlat organi – Iltiqoboli loyihalari milliy agentligi amalga oshiradi.

Agentlik qimmatli qog'ozlar bozorida yuz berishi mumkin bo'lgan hiyla-nayranglar to'g'risida ishtirokchilarni xabardor qilish va ogohlantirish maqsadida qimmatli qog'ozlar bozorini tartibga solish bo'yicha vakolatli davlat organi ommaviy axborot vositalari va (yoki) o'zi yaratgan elektron axborot tizimlari orqali:

- qimmatli qog'ozlar bozorida professional faoliyatni amalga oshirish uchun litsenziyalarni bekor qilish yoki ularning amal qilishini to'xtatib turish to'g'risidagi;

ro'yxatdan o'tkazilgan qimmatli qog'ozlar chiqarilishi, bekor qilingan qimmatli qog'ozlar chiqarilishi va joylashtirilishi to'xtatib qo'yilgan qimmatli qog'ozlar chiqarilishi to'g'risidagi axborotni e'lon qiladi.

Qoidalarning buzilishi aniqlangan taqdirda esa aybdor shaxslar O'zbekiston Respublikasi qonunchiligi asosida javobgar bo'ladi.

Xulosa qilib aytganda, hujjat orqali davlat moliya bozorlari ishtirokchilarning faoliyatini nafaqat tartibga solmoqda, balki unga ishonchli huquqiy asos ham yaratmoqda. Mazkur qoidalar erkin bozor tayomillari va investorlar huquqlarining o'zaro muvozanat asosida ta'minlanishini ko'zda tutgan bo'lib, bu O'zbekiston Respublikasida kapital bozorining huquqiy infrastrukturasi sifat jihatidan yangi bosqichga olib chiqish bilan birga mamlatimizning xalqaro maydondagi reytingiga ijobiy ta'sir ko'rsatadi.



Байрамларда қадриятлар яшайди

Абдумуталлиб УҚТАМОВ, журналист.

Халқимизда тинчлик барқарор юртга байрамлар, тўйлар ярашади, деган гап бор. Дарҳақиқат, тинчликсевар халқимиз азалдан бир-бирининг курсандчилигига шерик, оғир кунларида елкадош бўлишдек нодир хислат соҳибидир.

Эсимни танибманки, байрамлар маҳалла-кўй, қавм-қариндошлар ва бошқа яқин кишилар ўртасидаги оқибат анъанаси сифатида намоён бўлган. Айниқса, Рамазон ва Қурбон ҳайитлари ёлғиз кексалар, беморлар ҳолидан хабар олиш, йўқсиллар бошини силлаш, ночор оилаларга меҳр-мурувват кўрсатиш каби эзгу амаллар билан ўтган. Бу кун шу оилалар учун чинакам байрам бўларди.

Ханузгача эслайман, отам раҳматли ҳам кўп йиллар беморлик синовларини бошдан кечиршига тўғри келган. Ҳайит намозидан қайтаётган маҳалладошлар, узоқ-яқиндаги қариндошларимиз отамнинг ҳолидан хабар олиш учун хонадонимизга келишар эди. Тўшақка миҳланиб, дўсту яқиннинг суҳбатига интизор бир киши учун бу нақадар катта қувонч бахш этишини кўриб, хис этиб турардим. Бу

йўқловлар сабаб отамнинг кайфияти кўтарилганини кўриш биз учун чин маънода бахт, ҳақиқий байрам эди.

Саховатли инсон яхши билади ва тушунадики, ўзгаларга қувонч бахш этиш инсонга катта ҳузур, ҳаётдан ризолик, сурур бағишлайди. Бир инсонга мурувват кўрсатсангиз, қилган эзгу ишингиздан ўзингиз кўпроқ лаззатланасиз, хузурланасиз. Муборак динимизда ҳам ота-онага, беморларга, етим-есирларга, ночор оилаларга мурувват кўрсатишнинг қиймати юксак баҳоланган. Ҳаттоки, бир етимнинг бошини силлашнинг савоби ҳақида, ота-онанинг розилиги билан жаннатга эришиш мумкинлиги тўғрисида кўп насихатлар, ривоятлар бор.

Бугунги кунда ҳам кўпчилик юртдошларимиз ушбу анъанага содиқ экани кишини қувонтиради. Пойтахтада ишлаётган, ўқитган инсонлар байрам

бахона ота-онаси ва яқинларини йўқлаш учун ўз ота-юртига бориб-қелади.

Қувонарлиси, давлат раҳбари ҳам ана шу эзгу амаллар бардавонлиги учун юксак эътибор кўрсатмоқда. Хусусан, Президентимизнинг 2025 йил 30 май куни эълон қилинган "Муборак Қурбон ҳайитини нишонлаш тўғрисида"ги қарорига биноан, ушбу айёмда азалий қадриятларимизнинг бардавонлиги, барҳаётлиги учун шароит яратиб берилмоқда.

Ушбу қарорда ҳам халқимизга хос меҳр-оқибат, инсонпарварлик, шукроналик, саховат ва бағрикенглик каби эзгу фазилатлар тимсоли бўлган, асрлар давомида маънавий ҳаётимизда муҳим ўрин тутиб келаётган муборак Қурбон ҳайитининг аҳамияти Янги Ўзбекистонда ижтимоий давлат барпо этиш жараёни халқимизга қилувчи босқичга кираётган бугунги шароитда тобора ортиб бораётгани эътироф этилиб, ушбу қутлуғ айёмни ҳар томонлама муносиб қутиб олиш ва ўтказиш, шунингдек, миллий-диний қадриятларимизни асраб-авайлаш ва улуғлаш масаласи устувор мақсад сифатида кўрсатишган. Унда аҳолининг Қурбон ҳайити байрамини муносиб ўтказиши учун қулай шарт-шароит яратиш учун қўшимча дам олиш кунни белгиланди. Маҳаллий ҳокимликлар ва бошқа мутасадди идораларга ҳудудларда байрамни халқимизнинг миллий анъана ва урф-одатларига уйғун ҳолда ўтказиш бўйича тегишли чора-тадбирларни амалга ошириш вазифаси юкланди.

Ушбу инсонийлик улуғланган қарор ва уни қабул қилиш иродаси давлатимиз раҳбарининг эзгу ишларга камарбасталиги, халқимизнинг азалий меҳр-оқибат байрамини нисбатан юксак ҳурмати намунасидир.

Эзгу ишлар элни бирлаштириб, ёш авлодни қомил инсон бўлиб улғайиши учун чинакам ибрат, тарбия вазифасини ўтайди. Аслида бир кўчат екиш ҳам, беҳуда оқиб турган сувнинг жўмрагини ёпиб қўйиш ҳам, йўлда ётган тошни четга суриш ҳам, бировга ширин муомала қилиш ҳам эзгу амалдир.

Ота фарзанди билан бемор қўшнисининг ҳолидан хабар олса, ака-ука, опа-сингилларини йўқлаб бурса, қанчалар самарали тарбия эканини тасаввур қилиш қийин эмас. Баъзан айрим фарзандларнинг ота-онасига ҳурматсизлигини кўрсам, беҳиттир улар эзгу қадриятлардан йироқда воёга етганими, деган савол келади.

Мукаддас динимизда дуонинг аҳамияти жуда юксак баҳоланади. Аждодларимиз дуони бахтта, камолга элтувчи восита сифатида қадрлаганлар. Фарзандини машаққат билан улғайтириб, бугун кексалик чоғида эътиборга интиқ ота-онанинг, меҳрга зор етимнинг, "ҳолинг не" деган бир оғиз иллик сўзга муқтож беморнинг дуоси инсонга қанчалар бахт ато этгусидир.

Ҳар бир дуода юрт тинчлиги, эл омонлиги, тўқинлик ва фаровонлик, фарзандлар бахту камол муҷассамдир. Шунча давлатни қўлдан бой берманг, дуо олинг!

ТУҒИЛГАН КУНИНГИЗ МУБОРАК БЎЛСИН!

2025 йил июнь ойининг 6-9 саналарида
таваллуд айёмларини нишонлайдиган

Ўзбекистон Республикаси Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги Шаҳарсозликда имконияти чекланган шахслар манфаатлари таъминланишини мувофиқлаштириш, энергия самарадорлик ва экологик дипломатия бўлими бошлиғи **Мақсуд Султонов**, Лойиҳа фаолияти ва сейсмик хавфсизлик талабларини мувофиқлаштириш бошқармаси лойиҳа офиси бош мутахассиси **Азизбек Убайдуллаев**, Ички аудит бўлими бош мутахассиси **Зарифжон Аҳмедов**, "Оператор call-марказ" диспетчери **Фаррух Абдумавлонов**, Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида назорат қилиш инспекцияси бошлиғи ўринбосари **Нодиржон Максумов**, Кўп қаватли уй-жой фондини сақлаш ва фойдаланиш қондаларига риоя этилиши назоратини мувофиқлаштириш бўлими етакчи мутахассиси **Қундуз Шарипова**, "Shaharsozlik hujjatlarini ekspertiza qilish Respublika markazi" ДМ Ахборот-коммуникация технологиялари бўлими етакчи мутахассиси **Сардорбек Захриддинов**,

"Ташгипрогор" АЖ сектор раҳбари **Дилшод Акбаров**, "Ўзоғирсаноатлоийха" АЖ ООТР бош инженери **Нодира Саатова**, "O'zshaharsozlik LITI" ДМ Худудий филиаллар фаолиятини мувофиқлаштириш бўлими 1-тоифали мутахассиси **Рихситилла Эрматов**, Архитектура ва қурилиш лойиҳаларини ишлаб чиқиш бошқармаси 3-устахонаси лойиҳа бош архитектори **Шаҳзод Носиров**, Шаҳарсозлик ҳужжатларини ишлаб чиқиш бошқармаси 3-устахонаси архитектори **Фаррух Ҳайдаров**, Қорақалпоғистон Республикаси Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазири ўринбосари - бош архитектор **Азамат Уразымбетов**, Андижон вилояти Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бош бошқармаси худуд тазаловчиси **Отабек Бадалбаев**,

Бухоро вилояти Қоровулбозор тумани қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бўлими бошлиғи **Фахриддин Баракаев**, хайдовчи **Бехруз Ражабов**, Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида худудий назорат қилиш инспекцияси лаборанти **Анвар Бозоров**, Инсон ресурсларини бошқариш ва ривожлантириш бўйича бош мутахассиси **Шаҳноза Ҳасанова**,

Қашқадарё вилояти Қарши тумани қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бўлими бошлиғи **Жамшид Ражабов**, Самарқанд вилояти Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида худудий назорат қилиш инспекцияси бўлими бошлиғи **Бекзод Ҳўжаёров**,

Сурхондарё вилояти Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бош бошқармаси Архитектура ва худудларни ривожлантиришни режалаштириш бўлими шў'ба бошлиғи **Шухрат Бобомуродов**, Бандиқон тумани қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бўлими архитектура ва қурилиш соҳаси бўйича бош мутахассис **Жамшид Нурмуҳаммедов**,

Фарғона вилояти Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бош бошқармаси уй-жой ва коммунал хўжалиги бўйича бош мутахассиси **Садриддин Джалолов**, Қувасой шаҳар қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бўлими бошлиғи ўринбосари - бош архитектор **Отабек Маҳмудов**, Фарғона шаҳар қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бўлими уй-жой ва коммунал хўжалиги бўйича бош мутахассиси **Гулмира Ҳамдамова**,

Хоразм вилояти Урганч тумани қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бўлими бошлиғи **Раҳматжон Матмуратов**,

Тошкент шаҳар Чилонзор туманидаги "Рафаэло сервис" БСК раҳбари **Тамара Аҳадова**, Яшнобод туманидаги "UMID I YA" БСК раҳбари **Азамат Калонов**,

Тошкент шаҳар Яққасарой туманидаги "Bobur-tarobiy-kommunal" уй-жой мулкдорлари шirkати бошқарувчиси **Эркиной Ҳасановаларни** таваллуд кунин билан чин дилдан муборакбод этамиз.

**УЛАРГА СИҲАТ-САЛОМАТЛИК, УЗОҚ УМР,
ОИЛАВИЙ ХОТИРЖАМЛИК, МУСТАҲКАМ СОғЛИҚ ТИЛАЙМИЗ!**



ИҶТМОИЙ-ИҚТИСОДИЙ ГАЗЕТА
**ЎЗБЕКISTON
BUNYODKORI**
СТРОИТЕЛЬ УЗБЕКИСТАНА

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:

Шерзод Ҳидоятлов,
(Таҳрир хайъати раиси),
Давронжон Адилов,
Тоир Алиматов,
Озода Жўраева,
Сирожидин Эшқувватов,
Козим Туляганов,
Юлдаш Мағрупов,
Бобир Эмүрдов,
Илҳом Аҳмедов.

ТАҲРИРИЯТ:

Бош муҳаррир **Дилшод
Жалолов**

Бош муҳаррир
ўринбосари **Райҳона
Ҳўжаева**

Саҳифаловчи **Акмал
Маҳкамов**

Мусакхих **Марҳамат
Мусулмонқулова**

Газета "Ўзбекистон бунёдкори"
Наشريёт уйи МЧЖ томонидан
нашрга тайёрланди.

"ЎЗБЕКISTON БУНЁДКОРИ"
НАШРИЁТ УЙИ МЧЖ
МУАССИСЛАРИ:

Ўзбекистон Республикаси
Қурилиш ва уй-жой коммунал
хўжалиги вазирлиги,
"Ўзсанотқурилишматериаллари"
уюшмаси, "ЎзГАШКЛИТИ" МЧЖ,
"ЎзшаҳарсозликЛИТИ" ДМ,
"Қишлоқ қурилиш инвест" ИК МЧЖ,
"ЎзгеорангметЛИТИ" ДУК.

ТАҲРИРИЯТ МАНЗИЛИ:

100011, Тошкент шаҳри,
Навий кўчаси, 18-уй.
Телефонлар:
71-241-01-29 (қабулхона),
71-241-01-43 (таҳририят),
71-241-01-29 (бухгалтерия),
71-208-12-00 (реклама ва обуна
бўлими).
E-mail: info@uzbunyodkor.uz

ХУДУДЛАРДАГИ
МУХБИРЛАРИНИНГ
ТЕЛЕФОН РАҚАМЛАРИ:

Қорақалпоғистон
Республикаси: 90-658-50-13.
Андижон вилояти: 93-410-15-18.
Бухоро вилояти: 99-704-66-69.
Жиззах вилояти: 99-525-30-05.
Қашқадарё вилояти: 90-287-50-29.
Навий вилояти: 99-731-17-40.
Наманган вилояти: 91-365-07-36.
Самарқанд вилояти: 95-560-30-45.
Сирдарё вилояти: 94-916-99-77.
Сурхондарё вилояти: 97-847-30-11.
Фарғона вилояти: 90-349-55-56.
Хоразм вилояти: 97-790-47-61.

Газета 2016 йил 25 июлда
Ўзбекистон Матбуот ва ахборот
агентлигида 0874-рақам билан
рўйхатга олинган.
Нашр индекси - 466.
Бурутма - Г- 641.
1996 нухсада босилди.
Қоғоз бичими А-2.
Ҳажми - 4 табоқ, офсет усулида
босилган. Баҳоси келишилган
нархда. ISSN 2181-8762. Таҳририятта
кечган қўлёмалар тақриз
қилинмайди ва муаллифга
қайтарилмайди.
Газета таҳририят компьютер
марказида терилди ва саҳифаланди.
Газетанинг полиграфик жихатдан
сифати чоп этилишига
"Шарқ" нашриёт-матбаа
акциядорлик компанияси масъул.

КОРХОНА МАНЗИЛИ:

Тошкент шаҳри,
"Буюк Турон" кўчаси, 41.

Навбатчи муҳаррир -
Р. Ҳўжаева.
Навбатчи -
А. Этамбердиев.

ЎзА яқуни - 01.35.
Тошширилди - 02.00.

“SHAHARSOZLIK HUJJATLARINI EKSPERTIZA QILISH RESPUBLIKA MARKAZI” DM

*Qurbon hayiti
barcha yurtdoshlarimizga
muborak bo'lsin.*

Ushbu muborak kunlarda qilgan
ezgu amal va ehsonlaringiz
Yaratganning dargohida qabul bo'lsin.
Jonajon yurtimiz hamisha tinch,
osmonimiz musaffo bo'lsin.
Oilangizdan fayzu baraka arimasin.

